



Шахзода Мустафо (усмон. شاهزاده مصطفى, туре. Şehzade Mustafa МФА: fehzaˈde mustaˈfa; 1515 йил 6 август, Маниса — 1553 йил 6 октябрь, Эрегли) — Буюк Сулаймон ва унинг канизаги Мохидаврон-султоннинг ўгли, унинг меросхўрларидан бири. 1533 йилдан 1541 йилгача Манисанинг ва 1541 йилдан 1553 йилгача Амасянинг Санжак Бейи.

Мухлисий тахаллус остида шеърлар ёзган.

Мустафо 1515 йилда Манисада ўша пайтда Манисанинг санжакбейи бўлган бўлажак Усманийлар султони Сулаймон I ва черкес аёл Мохидаврон оиласида тугилган. Мустафо Сулаймоннинг тўнгич ўгли эмасди: 1515 йилга келиб, бўлажак Султоннинг иккита ўгли - Махмуд ва Мурод бор эди. Султон Салим I 1520 йилда вафот этди; Сулаймон султон бўлиб, оиласи билан Истанбулга кўчиб ўтади. Орадан бир йил ўтиб, Султоннинг тўнгич ўгиллари чечакдан вафот этди, бу эса шахзода Мустафони тахтнинг ягона вориси қилиб қўйди. 1521 йилда Султон Сулаймоннинг яна бир севимлиси Хуррам Султон ўгли шахзода Мехмедни дунёга келтирди, баъзи тарихчилар Сулаймон Мустафони четлаб ўтиб, ўзининг вориси сифатида кўрган, деб ҳисоблайди.

Усманийлар анъаналарига кўра, барча шахзодалар вилоятлардан бирида санжакбей лавозимини эгаллаб, мамлакатни бошқариш бўйича тайёргарликдан ўтишлари керак эди; тўнгич ўғил ва тахт вориси кўпинча Манисанинг санжакбейи бўлган. Мустафо 1533 йили тантанали маросимдан сўнг онаси билан Манисага жўнади. 1540 йилда венециялик дипломатлардан бири шахзода саройи ва онасининг саройдаги ролини шундай тасвирлаган: "Бу ажойиб ва ёрқин сарой отасининг [саройидан] кам эмас эди" ва "унинг онаси у билан бирга халк мухаббатига эришиш йўлини кўрсатган".

1541 йилда шахзода Мустафо билан Австрия элчиси ўртасидаги музокаралар туфайли Сулаймон нихоят ўглини ўзидан узоқлаштириб, уни Амасия санжакбейи лавозимига ўтказиб, Хуррамнинг тўнгич ўгли шахзода Мехмедни Манисага жойлаштиради; Амася пойтахтдан узоқроқда жойлашган бўлиб, бу Султон вафот этган тақдирда Мустафонинг тахтни эгаллаш имкониятини камайтирарди. Шахзода Мехмед 1544 йилда вафот этган; Мустафонинг онаси ўглининг Манисага қайтишидан умидвор эди, лекин Султон у ерга Хуррамнинг бошқа ўгли шахзода Селимни юборди. Хуррамнинг яна бир ўгли шахзода Боязид аввал Коняга, сўнгра эса Истанбулга Амасиядан ҳам яқинроқ бўлган Кутахяга

юборилди. Тахтга даъвогарлик килган уч кишидан иккитаси Хуррам Султоннинг ўгиллари бўлган бир шароитда Мустафонинг хаёти хавф остида эди: 1553 йилда Наважеро "Мустафонинг онаси ўглини захарлаб кўйсмаликлари учун каттик ҳаракат килади... ва у онасини чексиз ҳурмат киларди".

Мустафо доимо халк орасида жуда машҳур бўлган, шунинг учун у катл килинганидан кейин тартибсизликлар бошланади. У тўккиз ёшга тўлганида, Венеция элчиси шундай деб ёзган еди: "У ажойиб истеъдодга эга, у яничарлар жуда яхши кўрадиган жангчи бўлади ва буюк жасоратларга эришади". 1553 йилда Мустафо 38 ёшда бўлганида, Наважеро "уни канчалик яхши кўришларини ва тахт вориси сифатида исташларини тасвирлаб бўлмайди", деб ёзган эди.

Ўша пайтдаги миш-мишлар ва тахминларга кўра, Сулаймон I ҳукмронлигининг охирларида унинг ўгиллари ўртасида тахт учун кураш аён бўлган; бундан ташқари, баъзи замондошлар ҳисоблашича, Хуррам ва унинг кўёви, вазир Рустем пошо султонни Мустафога қарши кўзгатиб, уни Султонга қарши фитна уюштирганликда ва Сулаймон I ни ағдариш учун тартибсизликлар уюштирганликда айблайдилар. 1553 йилда форсларга қарши уруш пайтида Рустем Пошо Мустафони отасининг кўшинига кўшилишга таклиф қилди, лекин шу билан бир пайтда Сулаймонни Мустафо уни ўлдириш учун унинг олдида келаётганидан огохлантирди.

Сулаймон хаёти хавф остида эканлигига ишонди ва ўглини катл қилишни буюрди. Мустафо отаси билан учрашиш учун чодирга кирганида, Сулаймоннинг кўрикчилари тахтнинг собиқ вориси қочиб қутулолмаслиги учун Султон чодирини ўраб олишди. Натижада соқов жаллодлар билан бўлган жангда Мустафо Зал Махмуд ога томонидан ўлдирилди. Орадан бир неча кун ўтиб Мустафонинг етти ёшли ўгли Мехмед ҳам катл этилди. Мустафо ҳақиқатан ҳам султонни ағдариш ниятида бўлганми ёки унга тухмат қилинганми, номаълум.

Махидеврон Султон ўглининг умрининг охиригача уни сиёсий душманлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилган ва, эҳтимол, бу мақсадда кенг ахборот берувчилар тармогини ташкил қилган ва қўллаб-қувватлаган. Элчи Тревизано 1554 йилда Мустафо катл этилган куни Мохидаврон унга отаси уни ўлдирмокчи бўлганлиги ҳақида хабар юборган, бироқ Мустафо онаси ва дўстларининг огохлантиришига эътибор бермаганини ёзади. Шахзада Мустафо Бурсадаги Мурадие мажмуасига дафн этилган, у ерда Султон Салим II буйруғи билан унга макбара қурилган. Унинг онаси Мохидаврон Султон ҳам шу ерда дафн этилган.

Мустафо вафотидан кейин яничарлар ва Мустафонинг Анадолу аскарлари Сулаймоннинг қарорига қаршилик билдира бошладилар. Бундан ташқари, ўзини катл этилган шахзода сифатида қўрсатган бир қаллоб пайдо бўлди. Мустафо кўшини бунга Хуррам Султон ва Рустем Пошонинг сиёсий фитналари сабаб бўлган деб ҳисобларди. Армия қаршилик билдиргач, Сулаймон Рустем пошони лавозимидан бўшатиб, Истанбулга қайтарди.

Болалари

Нарғизшоҳ Султон (1536 - ?) отаси катл этилганидан кейин Анадолу бейлербейи Женаби Аҳмет пошога узатилан;

Шахзода Мехмед (1546-1553) отаси вафотидан кейин катл этилган;

Шоҳ Султон (1547-1577) Абдулқерим огага узатилган;

Шахзода Орхон ёки Аҳмад [11] (? - 1552) отаси вафотидан бир йил олдин вафот этган.

Абу Муслим тайёрлади